O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 11 январь, № 8 (4161) Пайшанба


**Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан**



*Тарихчиларнинг фикрича, Самарқанд шаҳар сифатида жуда эрта машҳур бўлган. Бунга сабаб, авваламбор унинг Оллоҳ ато этган саховатли табиати, дунёнинг тўрт тарафини боғлаб турган савдо йўллари кесишган чорраҳада жойлашганлиги, аҳолисининг тадбиркорлиги, ҳунармандчилик ва савдода тенги йўқлиги ва афсоналарга айланиб кетган бойлиги бўлган.*

*Ана шу кўҳна шаҳар бугун ҳам ўзининг қадимий тарихи, бетакрор осори-атиқалари билан жаҳон аҳлини лол айламоқда. Айниқса, шаҳар мустақиллик йилларида ўзгача чирой очди. Унинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган муаззам миноралари, ўлмас обидалари асл ҳолига қайтиб, яна дунё нигоҳига тушди.*

*Кўҳна шаҳарнинг тарихий меросига, архитектура ёдгорликларига эътибор ҳар қачонгидан ошди. Уларнинг аксар қисми ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон аҳамиятига молик ёдгорликлар рўйхати»га киритилди.*

## ДУНЁ НАЗАРИДАГИ ЗАМИН

**Ю**ртбошимиз ташаббусига кўра «Тошбошплан» ЛИТИ лойиҳа институти томонидан Самарқанд шаҳрини ривожлантиришнинг 2025 йилгача бўлган бош режаси ишлаб чиқилди. Айни пайтда мазкур режа бўйича ишлар жадал олиб борилаяпти. 2004 йилда Регистон ансамбли тўлиқ таъмирланди. Атрофи ободонлаштирилиб, унга уйғунлашмаган пастқам бинолар олиб ташланди. «Чорсу» тарихий биноси шарқона анъаналарга монанд равишда қайта таъмирланди.

Бугун Самарқандга келган ҳар қандай меҳмон, айниқса, хорижлик сайёҳ, энг аввало, Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилади. Исмоил Бухорий, Абу Мансур Мотрудий ёдгорлик мажмуалари сари ошиқади. Бибихоним, Ҳазрати Хизр тарихий обидаларига ташриф буюради. Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари қаршисида қанчалик лол қолса, Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси зиёратида шунчалик ҳайратга тушади.

Дунё донишлари томонидан «Инсоният тафаккурининг шоҳ асари» дея баҳоланган Шоҳи Зинда ансамбли ўтган даврларда неча бор топталмади, неча бор ҳимояга олинмади. Мажмуа соҳибқирон Амир Темур даврида қайта тикланиб, обод қилинган. Аммо кейинги йилларда, айниқса, шўролар даврида у хароба аҳволга тушиб қолганди.

Фақат мустақиллик йилларига келиб Шоҳи Зинда гумбазларида қайта нур жилолана бошлади. 2004 йилда Вазирлар Маҳкамасининг «Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилингач эса унинг умрбоқийлигига яна замин яратилди. Мажмуадаги қадимий обидаларни тиклаш, қайта таъмирлаш, асл ҳолатига қайтариш ишларига республикамизнинг барча ҳудудларидаги тажрибали меъморлар жалб этилди.

Ўтган икки йилда Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси ва Бибихоним мадрасаси оралиғида бажарилган бунёдкорлик ишлари нафақат салмоғи, балки сифати жиҳатидан ҳам таҳсинга сазовор. Кечки бозор ва ён атрофдаги кўримсиз иншоотлар ўрнида барпо этилган кўкаламзор майдон, тўлиқ қайта қурилган катта йўл мажмуа атрофини бутунлай ўзгартириб юборди.

Гўри Амир мақбараси, Регистон, Мотрудий зиёратгоҳи, Жомъе масжиди, Бибихоним ва Шоҳи Зинда ёдгорликлари билан Улуғбек расадхонаси йўналишидаги йўл қурилиши Самарқандда туризмнинг ривожланишида, сайёҳларнинг айнан тарихий обидаларни зиёрат қилишларида муҳим ўрин тутади.

Янги истироҳат боғларининг барпо этилиши, мавжудларининг давр талаблари даражасида қайта таъмирланиши ҳам шаҳар чиройига чирой қўшди. Жумладан, каттаю кичикнинг севимли ҳордиқ маскани - марказий маданият ва истироҳат боғи қайтадан бунёд этилди. Университет хиёбони — қадимий бульвар тўлиқ таъмирланди. Шаҳарнинг барча ҳудудида катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Гулзорлар, дарахтзорлар барпо этилаяпти. Айниқса, игна баргли дарахтларни кўпайтиришга эътибор ошаяпти.

«Зарафшон» акциядорлик жамияти — собиқ арoқ заводи шу пайтга қадар тарихий обидалар ёнида фаолият кўрсатарди. 2006 йилда корхонани бу ердан бутунлай кўчиришга қарор қилинди. Ва унинг ўрнида вужудга келган 4 гектарлик майдонда боғ барпо қилишга киришилди.

*Умуман юбилей муносабати билан қадимий шаҳарда 300 га яқин катта-кичик иншоотлар қурилиб, ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Мирзо Улуғбек кўчасида қад ростлаётган Санъат саройи ва Санъат коллежи, автосалон, Спитамен шоҳкўчасидаги автовокзал, Сиёб деҳқон бозоридаги уч қаватли савдо мажмуи, «Дамариқ» бозорининг янги бинолари ҳамда қурилиши бошланган бир неча меҳмонхоналар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшади.*

Ўтган йили Эски шаҳарда газлаштириш ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш билан боғлиқ кенг қамровли ишлар олиб борилди. Рўдакий кўчаси билан Ибн Сино кўчасини боғловчи янги йўлнинг қурилиши Эски шаҳар ҳудудида транспорт қатновини тартибга солиш билан бирга Самарқанд-Афросиёб тепалиги марказидан ўтган йўлда автомобиль ҳаракатини тақиқлашга имкон яратади.

Кўҳна шаҳарда нафақат мамлакат, балки дунё миқёсидаги кўплаб тадбирлар ўтказиш анъанага айланиб қолган. Улардан бири Президентимиз ташаббуслари билан ҳар икки йилда ташкил этилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалидир. 2005 йилда бешинчи бор бўлиб ўтган мазкур нуфузли анжуманда жаҳоннинг 50 га яқин мамлакати вакиллари иштирок этишди.

Бу йил эса самарқандликлар олтинчи бор мусиқа фестивали иштирокчиларини қарши олишади. Аҳамиятли томони бу галги анжуман мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги ва кўҳна Самарқанднинг 2750 йиллиги тантаналарига уланиб кетади. Демак, дунёдаги энг қадимий шаҳарлар ўртасида ўзига хос шон-шуҳрат ва нуфузга эга бўлган шаҳарнинг қутлуғ тўйида бутун жаҳон санъаткорлари ҳам иштирок этишади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар асосий мақсадга – халқ манфаатига бўйсундирилгандир»

*Маълумки, давлат раҳбарларининг Янги йил табриклари замонавий жамият ҳаётининг ажралмас бир бўлагига айланиб қолган. Уларда самимий ва эзгу тилаклар билан бирга якунланаётган йилнинг барча муҳим воқеалари акс этади, келажакка оид режалар ўз ифодасини топади. Айнан шунинг учун ҳам мамлакат янги йилга қандай кайфият билан кириб бораётганини англаш учун у алоҳида диққат-эътибор билан тингланади, ҳар бир ибора таҳлил этилади.*

*«Ўз мамлакати ва ўз халқи учун ифтихор туйғуларини ифода этадиган сидқидил сўзлар», «Нафақат мамлакатда, балки хорижда рўй бераётган жараёнларнинг холисона, чуқур ва ҳар томонлама таҳлили», «Эртанги кунга бўлган комил ишонч уфуриб турган чиқиш» — чет эллардаги сиёсат ва жамоат арбоблари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригини ана шундай шарҳлашмоқда.*

**Корея Республикаси парламенти депутати, Сувон шаҳрининг собиқ мэри Шим Чэ-ток** Ўзбекистон Президентининг мазкур чиқиши жуда вазмин, тинчликпарварлик ва келажакка бўлган комил ишонч руҳида эканлигига эътибор қаратади.

— Ислом Каримов янги ҳаёт қурилиши йўлида қўлга киритилган муваффақиятлар ҳамда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар тўғрисида фахр ва ифтихор билан сўзлаган, — дейди кореялик депутат.

Шим Чэ-токнинг фикр билдиришича, Ўзбекистон Президентининг тафаккурдаги ўзгаришлар, одамлар фаоллигининг ошгани, уларда келажакка бўлган ишончнинг мустаҳкамлангани хусусидаги фикрлари алоҳида эътиборга моликдир. «Бу Корея халқининг қисқа давр ичида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда катта муваффақиятларни қўлга киритишига сабаб бўлган жонкуярлик, меҳнатсеварлик ва келажакка ишонч ғояларига ҳамоҳангдир» — деб таъкидлайди Шим Чэ-ток.

— Мен Ўзбекистонга тез-тез бориб турганим боис республикада рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишларни бевосита кузатиш имконига эгаман, — дейди **«Корея — Ўзбекистон» дўстлик уюшмасининг президенти Ким Юн-сик**. — Шунинг учун мен Президент Каримовнинг ўтган йили Ўзбекистонда демократлаштиришни чуқурлаштириш ва жамиятнинг янгиланиши, сиёсий ҳамда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, давлат қурилишини либераллаштириш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилгани ҳақидаги сўзларини ишонч билан тасдиқлайман.

**Бельгия Археология Қироллик академиясининг аъзоси Ж.Бланкофф**нинг қайд этишича, Президентнинг янги йил табриги ўзининг мазмундор ва самимийлиги билан киши эътиборини тортади. Олимнинг фикрича, табрикда ўз аксини топган рақамлар мамлакат раҳбарияти ўз халқи фаровонлигини юксалтириш йўлида барча тадбирларни амалга ошираётганини яна бир карра яққол тасдиқлайди.

— Маошларнинг 36 фоизга оширилиши ҳамда муҳтож одамларга чорак миллиард доллардан зиёд миқдорда ёрдам кўрсатилишини ҳамма жойда ҳам кўриб бўлмайди, — дейди бельгиялик олим. — 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши эса бу йўналишдаги эзгу ишлар давом эттирилишини яна бир бор тасдиқлайди. Бу, ўз навбатида, мамлакат сиёсий тизимини мустаҳкамлашга ҳам кўмаклашади.

**Брюссель Халқаро муносабатлар мактаби ректори Жеррод Винер** Президент И.А.Каримовнинг янги йил табригини шарҳлар экан, Ўзбекистонда амалга оширилган ўзгаришлар, хусусан, ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Фармон ҳамда жамиятни демократлаштиришга йўналтирилган бошқа муҳим қадамлар ҳар томонлама рағбатлантирилмоғи лозимлигини таъкидлади.

— Ўзбекистон барча муҳим масалалар юзасидан ўз қарашларига эга бўлган суверен давлат, қатъий меъёрий асосга эга мамлакат сифатида ўзини намоён этди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон ўз нуқтаи назари ва ўз қарорини нафақат сўзда, балки амалда ҳам намойиш эта оладиган масъулиятли давлат эканини алоҳида таъкидлашни истар эдим, — деди Ж.Винер.

**Қирғизистон Жамоатчилик фанлар академиясининг раҳбари Д.Жапаров**, Президентнинг Ўзбекистон халқига йўллаган янги йил табриги 2006 йилда республика эришган ютуқ ва муваффақиятларни тўла ва яққол намойиш этади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар асосий мақсадга — халқ манфаатига бўйсундирилган бўлиб, улар инсон ҳақидаги ғамхўрликка йўналтирилгандир, — деб таъкидлайди олим.

Д.Жапаров қайд этганидек, Президент табригида ёшлар тарбияси масаласига ва таълим тизимини такомиллаштиришга жиддий аҳамият берилган.

— Илм-фан олами вакилларидан бири сифатида менга Ўзбекистондаги маънавий-маърифий ишларнинг аниқ, изчил ва илмий асосланган стратегияси маъқулдир. Республика мустақиллик йилларида бу соҳада катта силжишларга эришиб, қўшни мамлакатлардан ўзиб кетди. Биз Ўзбекистондан кўп нарсани ўргансак арзийди, — деди Қирғизистон Жамоатчилик фанлар академияси раҳбари.

**Россия Хавфсизлик, мудофаа ва ҳуқуқ-тартибот муаммолари Академиясининг аъзоси Р.Раҳмоналиев** Президент И.А.Каримовнинг минтақавий ва халқаро вазият билан боғлиқ сўзларига алоҳида эътибор қаратади.

— Ўзбекистон Президенти миллий хавфсизликни таъминлаш учун ўз ватандошларини бутун куч ва имкониятларини сафарбар этишга чақирди, — дейди олим. — Бугун хавфсизлик ва барқарорликдан муҳимроқ вазифа йўқ. Бу Марказий Осиё давлатлари учун айниқса долзарбдир. Афсуски, Қирғизистонда бу масалага узоқ вақт давомида етарлича аҳамият қаратилмади. Хавфсизликка ўз-ўзидан таъминланиб қоладиган омил сифатида қаралар эди. Аммо вақт бундай эмаслигини кўрсатди. Шубҳасиз, хавфсизликка кенг қамровли қадрият сифатида қараш мумкин ва лозим. Бинобарин, уни нафақат умумий саъй-ҳаракатлар билан, балки ҳар бир давлат ва минтақавий ҳамжамиятнинг масъулияти орқалигина таъминлаш мумкиндир.

**Деҳли университети профессори, Ҳиндистон-Ўзбекистон дўстлик жамияти президенти Қамар Раис**нинг таъкидлашича, Ислом Каримов табриги ўз ватандошларига самимий ҳурмат ва ғамхўрлик руҳи билан йўғрилган.

— Ишончим комилки, «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган 2007 йилда халқнинг фаровонлигини оширишга ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши давом эттирилиши баробарида у янада жадаллашади.

**Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ҚСТИ иқтисодий тадқиқотлар бўлими мудири Гульнур Рахматулина** Ўзбекистоннинг иқтисодий соҳадаги ютуқларига эътибор қаратган.

— Президент ўз маърузасида ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиниши зарурияtини қайд этди, — дейди Г.Рахматулина. — Бу эса Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий модернизация жараёнларини давом эттиришга ва ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр эканини англатгани ҳолда Марказий Осиёдаги барқарорликни мустаҳкамлаш, қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, халқаро ташкилотлар доирасида интеграциялашув борасидаги ҳамкорликни чуқурлаштираётганини кўрсатади.

— 2006 йилда Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўсиш 7,2 фоизни ташкил қилди, истеъмол маҳсулотларининг экспорти 30 фоизга ошди, олтин-валюта заҳиралари 33 фоизга, давлат бюджети ҳажми 27 фоизга, аҳолининг аниқ даромадлари 36 фоизга кўпайди. Айни пайтда инфляция даражаси 7 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон етакчисининг янги йил табригида кўрсатиб ўтилган бу рақамлар иқтисодиётнинг барқарор ривожидан ҳамда аҳоли фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир, — деди ўз шарҳида **Покистон сиёсий тадқиқотлар институти бош директори Холид Раҳмон.** — Иккинчи муҳим фикр эса мамлакат раҳбарияти томонидан жамиятни янада демократлаштириш ва янгилаш, кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этиш йўналиши танланганидан иборатдир. Яна эътиборга молик жиҳати шундаки, таълим, тиббиёт ва ижтимоий таъминот тизимларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарасини бугуноқ кўриш мумкин бўлиб, улар минтақанинг қолган мамлакатлари ёки бизнинг Покистондагига нисбатан анча яхшироқ.

**«Германия-Ўзбекистон» илмий жамияти раиси, Фрайбург шаҳри университетининг шарқшунослик бўлими мудири, профессор П.Лаут**нинг қайд этишича, Ўзбекистонда кенг қўлланилаётган аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий дастурлар нафақат мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади, балки ижтимо-

(Давоми 2-бетда).

## АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Адлия органлари – мустақиллик йилларида" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.*

*Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Конституциявий суд, Бош прокуратура, Олий суд, Олий хўжалик суди, Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

**К**онференцияда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Ф.Отахонов, Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда, жумладан, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йил 8 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони мустақил давлатимиз адлия тизими шаклланишида муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Ўтган давр мобайнида адлия органлари мамлакатимиз ва юртдошларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутувчи кўплаб қонун ҳужжатлари тайёрланишида фаол иштирок этди.

Айни пайтда нафақат қонун ҳужжатлари лойиҳасини тайёрлаш, балки қонунларни амалда жорий этиш, бир

### Фармон ва ижро

хилда ва аниқ қўлланилишини таъминлаш борасида изчил фаолият олиб борилаётир. Вазирлик томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий ишлари такомиллаштирилди. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил қилиш, унинг мониторинги ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар бериш тизими ўз самарасини бермоқда.

Суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш, нотариат, адвокатура, ФҲДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Анжуманда келгусида амалга ошириладиган ишлар хусусида батафсил фикр алмашилди. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда адлия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 299-сонли қарори ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинди.*

### Фаол аёл – жамият таянчи

Йиғилишда хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ижобий натижалар эътироф этилиши билан бирга мавжуд ҳолат ҳали талаб даражасида ташкил этилмаётганлиги қайд этилди. Хусусан, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар сонининг ошиши, нотинч оилалар сонининг кўпаётганлиги, аёллар орасида соғлом турмуш тарзи ва спорт тарғиботининг сустлиги ташвишланарлидир.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова қатнашди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

**МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДАСТУРИ**

*Наманган вилоятида қандай амалга оширилмоқда?*



**СЎЗ СИЗГА, ГАЗЕТХОН**

**БИР ТОПИЛМА ТАРИХИ**



*«Тиб қонунлари»нинг Асака нусхаси*

## ЭШИТДИНГИЗМИ?

FUND FORUM. UZ

**«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг мамлакатимизда ва бир қатор хорижий давлатларда амалга ошираётган лойиҳалари ЮНЕСКОни қизиқтириб қўйди ва мазкур халқаро ташкилот жамғармани расмий ҳамкорликка таклиф қилди. Айни пайтда жамғарманинг Москва, Токио ва Пекинда ваколатхоналари ишлаб турибди. Яқин кунларда Парижда ҳам жамғарма ваколатхонаси ўз ишини бошлайди.**

2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Сиз «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари электрон нусхаси билан танишиш имконига эга бўласиз. Бунинг учун ушбу газеталар электрон нусхасига обуна бўлинг. Маълумот учун телефон (факс): 133-10-03

**14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**

# Йигитлик даврининг қаймоғи

*Бугун мустақил юртимизнинг армияси ҳақида гап кетганда, барча завқ-шавққа тўлиб, ифтихор билан гапиради. Негаки, ҳарбий қисмларда аскарлар кўнгилдагидек хизматни ўташлари учун барча шароит муҳайё. Йигитларнинг жанговар, маърифий ва сиёсий тайёргарлиги, қолаверса, хизматдан бўш пайтларида дам олишлари, жисмоний чиниқишлари учун барча қулайликлар яратилган.*

Бундан 15-20 йил олдин айрим ота-оналар ўз фарзандларини ҳарбий хизматдан олиб қолишга ҳаракат қилган бўлсалар, эндиликда улар ўғилларининг армияга боришидан фахрланишади.

Ҳа, бугун биз барча талабга жавоб берадиган аскарлари бор армияга эгамиз. Ҳукуматимиз томонидан ҳарбий соҳага берилаётган имтиёзлар шундай хулоса чиқаришга ундайди. Давлат томонидан бу соҳага катта эътибор берилмоқда. Фарзандларимиз бу соҳада юксак чўққиларни эгаллаши, шубҳасиз.

Бугунги армия йигитлар учун мустақил ҳаёт йўлини қуришда катта мактабни ўтамоқда, десак муболаға бўлмайди. Уларга бериладиган имтиёзлар шундай дейишимизга асос бўлади.

— Мен тенгдошларим қатори мактабни битириб ўқишга киришни орзу қилардим, — дейди биз билан суҳбатда ўзини Санжар Жуманиёзов, деб таништирган йигит. — Аммо аввал ҳарбий хизматни ўташ насиб этди. Негаки, армия, бу — ҳаёт мактаби. У кишини ҳам жисмонан, ҳам руҳан тарбиялайди, чиниқтиради, ақлини пешлайди. Бу вақт мобайнида мен ҳам Ватан олдидаги бурчимни бажараман, ҳам бир қанча дўстлар орттираман, хизмат вақтида ўқишга ҳам тайёрланаман. Энг муҳими, ҳарбий хизматни намунали ўтаганларга бир қанча имтиёзлар берилганидан хабар топдим. Худди ўйлаганимдек бўлди. Чегара қўшинларида хизмат қилиб, тавсиянома билан қайтдим. Бу ўқишга киришимга катта ёрдам берди. Ҳозир Урганч давлат университетининг 2-курс талабасиман. Яхши ўқиш учун барча шароит бор. Биз доимий эътиборда эканимизни ҳис қилиб турамиз. Ўқишда ҳам ҳарбий хизматдалигимиздагидек фаол бўлишга интиламиз.

— Ҳарбий хизматни ўтаган талабалар бошқалардан ажралиб туради, — дейди университетнинг «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти раиси Фозилжон Болтаев. — Уларнинг гап-сўзлари теран, юриш-туриши ўзларига ярашган, қадамлари шаҳдам. Ўқишлари ҳам бошқаларга намуна бўладиган даражада. Улар университетимизнинг фахри.

Ватан олдидаги бурч муқаддас саналади. Шу бурчни сидқидилдан бажарганлар доим эътиборда бўладилар. Уларнинг қадри ҳам, қадди ҳам баланд.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



***Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактаби Қуролли Кучлар бирлашган штабининг 2006 йил якунидаги хулосасига кўра, ўқув-услубий, тарбиявий ишларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби, сифати, ўқитувчилар, йўриқчилар касбий тайёргарлик дастурининг ўзлаштирилиши, ҳарбий интизом, ўқув материаллари базасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириб бориш бўйича мамлакатимиздаги турдош мактаблар орасида энг яхшиси деб эътироф этилди. Шу муносабат билан мазкур мактаб раҳбариятига Ватан ҳимоячилари куни арафасида махсус кўчма кубок ва диплом тантанали равишда топширилди.***

# Бу ерда сержантлар тайёрланади

— Бугун армиямизга, Президентимиз айтганидек, ҳар томонлама чиниққан, билимли ва ўз устида тинмай ишлаб, тажрибасини ошириб борадиган кичик командирлар керак, — дейди Жануби-Ғарбий ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи, подполковник Шавкат Ўринов. — Мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафига ана шундай ҳарбий мутахассислар етказиб беришда сержантлар тайёрлаш мактаблари муҳим аҳамият касб этмоқда. Мактабимиз фаолият кўрсата бошлагандан буён ўтган давр мобайнида шартнома асосида хизмат қилаётган аскарларни кичик командирликка тайёрлаш ҳамда шунинг баробарида уларга мураббийлик қилиб келаётган зобитларнинг малакасини ошириш, шахсий таркибни сифат жиҳатидан яхшилаш бўйича ибратли ишлар қилинди. Таълим сифати барча талабларга жавоб берадиган бўлиши учун мактабимизга малакали мутахассисларни жалб этганмиз. Умумий тактика цикли бошлиғи Рустам Тожиқулов, оммавий қирғин қуролларига қарши ҳимоя цикли мутахассиси Санъат Ибрагимов, ҳарбий топография бўйича мутахассис Элбек Мадаминов, қуролланиш ва отиш тайёргарлиги цикли мутахассиси Мирзо Турдиев, подполковник Қаҳрамон Ҳасанов, майор Шокир Ёрқулов, капитан Жасур Отабоев шулар жумласидандир.

Мактабда курсантларга барча шарт-шароитларни замон талабларига мос даражада яратиш мақсадида кенг миқёсда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Спорт зали, сузиш бассейни, ўқув машғулотлари олиб бориладиган синфлар, компьютер хоналари, ҳарбий машқлар бажариладиган макет қурилиб, улар тренажёрлар, кўргазмали қуроллар ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Бу ерда билим олган курсант қайси ҳолатда қандай ҳаракатланиш лозимлиги ҳақида етарли даражада ҳарбий билим ва тажрибага эга бўлади. Шунингдек, мактабда ҳарбий техникани бошқариш маҳоратини ошириш бўйича ҳам замонавий ўқув жиҳозлари ва шартли техника воситалари мавжуд.

— Ҳозирда армия сафига мукаммал ҳарбий тайёргарликка эга, ҳар томонлама чиниққан кичик командирлар жалб этилмоқда, — дейди мактаб курсанти Ҳусан Каримов. — Чунончи, бугунги курсант келгусида кичик командир сифатида ёш аскарларни ортидан эргаштира олиш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак.

**Зуҳра ОЙМАМАТОВА.**
**Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат.**

## Орамиздаги одамлар



*Шоҳида эшикдан кириб келган заҳоти телефон жиринглади. Гўшакдан таниш овоз эшитилди. Бу тумандаги 3-мактаб директори Тоҳир Габдулин эди.*

*— Сен қандай болаларни тарбиялаяпсан-а, бирибиридан бидирлоқ! Ўзлари жимитдеккинаю, савол билан катталарни ҳам шошириб қўяди!*

*Шоҳида устозининг "эътирози"дан кулиб юборди.*

# ФАРЗАНДЛАРГА БАХШИДА УМР

— Кабинетимга кириб мактабда тўгараклар қачон ишлайди, кутубхоналарингиз бойми, деган саволларни бериб анчагина гангитди.

— Болалар ёқмаяптими, устоз?!

— Нега ундай дейсан, болаларингдаги қизиқувчанликни кўриб ҳайратланиб ўтирибман-да! Қанийди, бошқа болалар ҳам сенинг "Камалак"чиларингга ўхшашса...

Устозининг мақтови унга далда берди.

... Кечагидай ёдида. Ёзги таътил мавсумида мактабнинг аълочи ўқувчиларидан бир нечаси боғчага – ёрдамчи тарбиячиликка таклиф этилди. Улар орасида Шоҳида Мамадалиева ҳам бор эди. Ёзги таътилнинг икки ойини боғчада ўтказган қизга болалар билан ишлаш ёқиб қолди. Бу эса унинг келгусидаги ҳаёт йўлини белгилади.

Ўтган йиллар давомида Шоҳида тумандаги бир қатор мактабгача тарбия муассасаларида тарбиячи, мудира бўлиб ишлади. Бугунги кунда эса ўзи ташкил этган "Камалак" мактаб-боғча мажмуасида директор. Туманнинг фаол аёлларидан. Бўка тумани ва вилоят кенгаши депутати. Ўзбекистон Либерал демократик партияси туман кенгашининг раиси, ЎзЛДП вилоят кенгаши раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари. Фермер.

— Бир бошингизда шунча ташвиш, барчасига улгура оласизми? — сўраймиз у кишидан.

— Истаган имкон қидиради, истамаган баҳона. Мен ҳамиша имкон қидиришга ҳаракат қиламан. Оиламдагилар мени доимо тушунишади ва ёрдам беришади. Тан олишим керак, фермерлик борасида тажрибам оз. Бироқ, қабатимдагилар, айниқса иш бошқарувчи Рўзибой ака Ўринбоев ер билан тиллашадиган деҳқон. 2006 йилда ғалладан ҳам, пахтадан ҳам юқори ҳосил олганлигимизнинг боиси шундан.

— Фермерлар учун йил яхши якунланди, — таъкидлади опа. — Айниқса, пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган кўргазма юзлаб фермерларимизнинг оиласига барака киритди. Улар ўзларига зарур техникаларни имтиёзли сотиб олишга муваффақ бўлди. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ўтказилган ушбу тадбир юзлаб фермерларнинг иш фаолиятларига қанот бахш этди.

— "Камалак" мактаб-боғча мажмуасини ташкил этишдан мақсад нима эди?

*— Боғчамизда болалар учун барча шароит яратилган. Турли спорт ўйинлари, "Моҳир қўллар" тўгараклари. Биз болалар билан эркин мулоқот олиб борамиз, интилишлари билан қизиқамиз. Улар эртадан кечгача тарбиячи ва ўқитувчилар назоратида бўлади, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Туш маҳали дам олади. Ўқувчиларимиз бошланғич синфни тўлиқ тугатганларидан сўнггина мактабга боришади. Ўн бир-ўн икки ёшли болакайнинг эса дастлабки қизиқишлари шаклланишга улгуради.*

— Қачон қараманг, Шоҳидахонни бирор-бир муаммони ҳал қилиш учун жонсарак юрганида учратамиз, — дейди «Тошлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси муовини Муборак Мусаева. — Тиниб-тинчимас аёл.

Ҳамқишлоқлари билан суҳбат давомида опанинг жамоатчилик ишларидан ҳам воқиф бўлдик. Уларнинг эътирофича, Шоҳидахон деярли фаолият кўрсатмаётган қишлоқ клубларида ҳам ўқув марказлари очиш ҳаракатида экан. Ушбу марказларда аёллар касб-ҳунар эгаллайдилар, тикиш-бичиш, қандолатчилик сирларини, компьютер саводхонлигини ўрганадилар. Яқинда опа қишлоқнинг қўли гул қизларидан бир нечтасини ишга жойлаштирибди. Карима Тўхтабоева қуроқчилик, Завра Жўраева кўрпаёстиқ, Раҳима Жумабоева чопон тикиш, Ораста Тўхтабоева эса зардўзлик билан шуғулланиб келмоқда. Улар "Зебо-зардўз" кичик корхонаси касаначилари.

— Аслида оилаcи, фарзандлари бор аёлни ишсиз деб бўлмайди. Эртадан-кечгача болаларни оқ ювиб, оқ тараш, рўзғор юмушлари бир аёл учун етиб ортади. Қолаверса, оилада сигир-бузоқ бўлса, у аёл рўзғорга барака ҳам кирита олади, — дейди Шоҳидахон. — Бўка туманига хос муаммолардан бири йирик саноат корхоналарининг йўқлиги. Бу эса касаначиликни ривожлантиришни тақозо этади. Ахир қишлоқларимизда қўли гул чеварларимиз, ҳунармандларимиз, гиламдўзларимиз қанча. Очилажак марказлар ана шу ҳунармандларни бирлаштириш ва уларни иш билан таъминлашга хизмат қилиши керак. Токи, одамлар ўзларининг керакликларини ҳис қилиб, аниқ мақсад билан яшасинлар.

— Сизнинг асосий маслакдошларингиз қиз-жувонлар ҳисобланишади. Бугунги кунда ечимини кутаётган муаммолар ҳақида нима дея оласиз?

— Ҳар бир ота-она умид билан фарзанд ўстиради. Энг гўзал орзуларини унинг улғайиши билан боғлайди. Бироқ, айрим ота-оналар ўзлари истамаган ҳолда фарзандлари кўнглини майиб қилиб қўймоқда. Бу асосан, ўғил-қизларимизнинг мустақил оила қуриш даражасига етмай туриб уйлаш ёки турмушга узатишларида ўз аксини топмоқда. Назаримда, фарзандларимизни, энг аввало, касб-корли бўлишларига ёрдам беришимиз керак. Касб-ҳунарли инсоннинг оилага ҳам, жамиятга ҳам фойдаси тегади, оиласини ҳам боқа олади.

Аёлга энг катта масъулиятли иш юклатилган. Бу – фарзанд тарбияси. Эртага фарзандини бахтибекам кўришни ўйлаган аёл уни оқил, баркамол қилиб тарбиялаш ҳақида ўйлаши керак. 2007 йил Ижтимоий ҳимоя йили, деб эълон қилинди. Бу кам таъминланган, якка-ёлғиз кишилар, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатишга эмас, балки янги иш ўринлари яратиш, ишсизликни камайтириш, одамлар онгида ташаббускорликни ривожлантириш ҳам демакдир. Биз иш фаолиятимиз давомида ушбу мезонларга амал қилишга ҳаракат қилаяпмиз.

Куни кеча Бўка томонлардан хушхабар келди. Шоҳида Мамадалиева ўзининг илк ўқув марказини ташкил этибди. Бу бир неча ўн нафар ишсиз тез орада касб-корли, ишли бўлади деганидир. Демак, Шоҳидахон сингари фидойи кишилар бор экан, юртимиз обод бўлмоғи муқаррар.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Ҳар зарбида юрак тафти

## *буни англаган хорижликлар ҳам Қаҳрамон Дадаевнинг маҳоратига тан беришган*

Ҳар бир халқнинг фахрланса арзигулик, мақтаса мақтагудек фарзандлари бўлади. Эътибор берган бўлсангиз, бундай кишиларнинг номи улар яшайдиган мамлакат билан бирга тилга олинади. Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори, машҳур созанда Қаҳрамон Дадаевни ҳам ана шундай кишилар сирасига киритиш мумкин. Яна шуниси аниқки, бу инсонни юртимизда билмайдиган, лоақал номини эшитмаган одам топилмаса керак. Ўзбек миллий чолғу асбоби — доиранинг турфа хислатини намоён этиб, минглаб мухлислар орттиришнинг ўзи бўлмайди. Бетакрор иқтидори туфайли жаҳонгашта созандага айланган Қаҳрамон Дадаев, дунёнинг қаерида бўлмасин, ўзбекларнинг катта қобилият соҳиби эканлигини намоён эта билди.

Қ. Дадаевнинг етук созанда бўлишида у яшаган муҳитнинг таъсири катта. Буни қарангки, Тошкентнинг "Чақчимон" маҳалласида туғилиб ўсган Қаҳрамоннинг devордармиён қўшнилари санъаткорлардан иборат эди: сурнайчи — Ашурали ака, танбурчи — Жўра ака, шунингдек, машҳур ҳофиз Жўрахон Султонов. Бу каби эл таниган санъаткорлар ёш иқтидор эгасининг ҳаётга ўзгача нигоҳ ила боқишига алоҳида туртки бўлди. У ҳар гал маҳалла чойхонасида устоз санъаткорлар гурунгини тингларкан, юраги ҳаяжондан ҳаприқар, уларнинг ҳар бир гапини жон қулоғи билан тинглашга уринарди.

Шундай кунларнинг бирида Қаҳрамон Дадаев яқинларининг маслаҳати билан пойтахтдаги собиқ "Санъат саройи" қошида ташкил қилинган доирачилар гуруҳи раҳбари Тўйчи Иноғомовга шогирд тушади. Туну кун доирани қўлдан қўймай, завқ-шавқ билан машқ қилиб келаётган фарзандини кўриб, отаси Қосим аканинг шодлигига шодлик қўшилади. Ота фарзанди хусусида унинг устозидан сўраганида, шундай жавоб олади: "Қаҳрамон! Исми жисмига монанд фарзанд! Худо хоҳласа, у бир куни эл-юртнинг севимли кишисига айланади!"

Ҳа, шогирд доирага шунчаки ҳавас билан қарамади, уни мукаммал ўзлаштириш учун тинмай изланди, маҳоратини бойитди. Ва тиниб-тинчимас болакай устозининг фикрини йиллар ўтиб тўла оқлади. Эндиликда Қаҳрамон Дадаев илк саҳнага чиққан дамларни эсларкан, ширин энтикади.

— Ўша йиллари доирани ўзимнинг ажралмас дўстим деб билдим, — дейди у. — Машқ кетидан тинмай машқ қилардим. Доирани ҳар оҳангда чертиб, зарбидан қўлларим қабарган сари таралаётган садолардан янада илҳомланардим. Устозимдан қандай куй эшитмай, дарров илғаб олишга ҳаракат қилардим.

Санъаткорнинг эътирофича, доира зарбида ҳам фалсафа бор. Яъни, доира кайфиятни ифодалайдиган соз. Агар созанданинг димоғи чоғ бўлмаса, кўнгилдагидек зарб чиқмайди. Даврага файз бағишлаш учун нафақат доирани қиздириш, шу билан бирга юракдаги тафт ҳам катта аҳамият касб этади. Худди ана шу тафт Қаҳрамон Дадаев юрагида аланга олганлиги боис у уста Олим Комилов, Тамарахоним сингари санъат дарғаларининг эътиборини қозонди.

Кўлда доира билан «Баҳор» ансамбли таркибида 40 йил мобайнида ўзбекнинг довруғини оламга ёйган устоз санъаткор оила ардоғида, шогирдлари қуршовида кексалик гаштини сураётир.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**



«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ** амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.



*Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.*

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru



BELARUS

**МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ**

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

**МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ**



МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com



Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!

**СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD**

Вид деятельности – проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы охраны периметров
Навигационные системы
Системы контроля доступа
Охрана трубопроводов
Безопасность перевозок
Контроль местонахождения транспортных средств
Контроль расхода топлива



Geoquip WORLDWIDE

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лиценцзия КМ №000390 (проектирование).



**Российский линолеум**

Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск

тел. 134-48-11
факс 134-49-58


Тошкент Автомобиль-йўллар институти ректорати олий математика кафедраси мудири, профессор, математика фанлари доктори Маҳамат Ғофуровга волидаси **ҲАБИБАХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси институт «Агроэколог» тажриба станцияси директори, доцент **Анвар Иқболович НУРИДДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон-Туркия банки жамоаси ва бошқаруви банкнинг ишлар бошқарувчиси Маҳамадали Ибрагимовга падари бузруквори **Умаржон ИБРАГИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 053. 38237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — З. Жопибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5